

ORGANIZATION OF ACTIVITIES OF TEACHERS IN THE EDUCATIONAL PROCESS TAKING INTO ACCOUNT THE TECHNOLOGICAL CULTURAL COMPETENCE

Muborak Abdullaeva

Lecturer at Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

This article details the content of culture and technological culture, the role and function of "Technology" as a science and the most modern and effective methods, the organization of activities in the educational process, taking into account the competence of technological culture of teachers.

Keywords: technology, technological culture, form, method, means, man-made, pedagogical skills, communicative ability, speech culture, pedagogical communication.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИК МАДАНИЯТ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШИ

Муборак Абдуллаева

Чирчиқ Давлат Педагогика интитуту ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада маданият ва технологик маданият мазмуни, бўлажак ўқитувчилар "Технология" нинг фан сифатидаги роли ва вазифасини ҳамда энг замонавий ва самарали усулларни пухта билиши, таълим-тарбия жараёнида ўқитувчиларнинг технологик маданият компетентлигини инобатга олган ҳолда фаолиятни ташкил этиши кераклиги батафсил берилган.

Калит сўзлар: технология, технологик маданият, шакл, метод, восита, техноген, педагогик маҳорат, коммуникативлик лаёқати, нутқ маданияти, педагогик мулоқот.

Ўқитувчи - педагогик ва психологик жиҳатдан ўз ихтисослиги бўйича махсус маълумотга эга, касбий тайёргарликка ва юксак ахлоқий фазилатларга бой, таълим муассасаларида фаолият кўрсатувчи шахсдир. Ўқитувчи таълим жараёнида ўқитиш шакллари оптимал даражада ташкил этишни, баркамол шахсни шакллантириш назариясини турли янги ғоялар билан бойитишни пухта билиши лозим. Ҳозирги кунда ўқитувчининг педагогик маҳоратида "Билиш, тушуниш, қўллаш, таҳлил қилиш, синтез қилиш, баҳолаш" каби дидактик қонуниятлар таълим беришнинг муҳим категориялари сифатида эътироф этилган. Бу эса, технология таълим ўқитувчиларини касбий-педагогик тайёргарлигига технологик маданиятнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эгалигини англатади. Бунинг учун аввало, маданият нима эканлигини англаб олишимиз керак.

Маданият – бу инсониятнинг шаклланишида, турли тамаддунларни юзага келтиришида муҳим механизм саналиши билан бирга одамларнинг ўзаро алоқа алмашиш, бир-бирига ёрдам қўлини суяш каби одамийлик амалларини тафсифлайди. Бу тушунча арабча "мадина" сўзиданолинган бўлиб, соддақилибайтганда "шаҳар(лашиш)" деган маънони

англатади. Маданият жамиятни ташкил этувчи кишилар ақлий фаолиятининг маҳсули ҳамдир. Албатта, маданият жамият ҳар бир аъзосининг эмас, балки онг-тафаккури ва салоҳияти билан бошқалардан ажралиб турувчи шахслар меҳнат фаолиятининг маҳсулидир. Маданият меҳнат жараёнининг ижмоялашуви натижасида шакллана борган ва кишиларнинг ўз даврига хос эҳтиёжларини қондириш воситасига айланган.

Технология (юнонча техне – санъат, моҳирлик) – саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда маҳсулотлар олиш, уларга ишлов бериш ва уларни қайта ишлаш усуллари тартибга солинган тизим; шу усулларни ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва такомиллаштириш билан шуғулланадиган фан. Ҳар бир соҳанинг ўзига хос технологияси бўлади: кон ишлари технологияси, машинасозлик технологияси, қурилиш технологияси, қишлоқ хўжалиги технологияси ва бошқалар. Масалан, қурилиш ишлари технологияси бир қанча операциялар йиғиндисидан ташкил топган: ер ишлари; пойдевор ётқизиш; девор тиклаш (ғишт териш, панел ўрнатиш); қаватлараро ва том ёпмаларини монтаж қилиш, том ёпиш; электр, газ ва сув тармоқларини ўтказиш; пардоз ишлари ва ҳоказо. Ҳар қайси операцияни ўзига хос бажариш усуллари бор.

Амалда технологик жараёнлар қанчалик пухта ишланган, тавсия этилаётган усуллар чуқур тажриба ва илмий ёндашувга асосланган бўлса, тайёрланадиган маҳсулот (автомобил, бино ёки иншоот ва б.) шунчалик сифатли бўлади. Технологиянинг фан сифатидаги роли ва вазифаси маҳсулот тайёрлашнинг энг замонавий ва самарали усуллари яратилган иборат. Фан ва техника ривожланиб борган сари технология ҳам янгилани ва ўзгартириб турилади. Ҳар қайси соҳада технологияни ишлаб чиқиш учун технологик ҳужжатларни ишлаб чиқиш, технологик жараёнлар, стандартлаштирилган жиҳозлар ва ускуналардан фойдаланишнинг ягона тартиби бўлиши лозим.

Технологик маданият тушунчаси остида шахснинг ўзида педагогик жараённинг инсонпарварлик қадриятларини, инсонпарварлик йўналишини (амалий таркибдаги), педагогик фаолиятнинг технологиясини акс эттирувчи ва амалий таркибдаги технологик даражага ўтишига ёрдам берувчи инвариантли педагогик малакаларнинг бирлашган сифатлари, касбий педагогик фаолиятининг маъносини очиб берадиган ҳамда унинг технологиясини ижодий рўёбга чиқарадиган педагогик фаолиятнинг шахсий-ижодий услубидир. Касбий педагогик маданият – бу педагогик касбга эга бўлган, унинг умумий маданиятини лойиҳалаштирадиган ўқитувчи шахсининг ажралмас сифати. Бу устознинг юқори профессионалиги ва ички хусусиятларининг синтези, ўқитиш усуллариининг моҳирлиги, маданий ва ижодий қобилиятларнинг мавжудлиги. Бу инсоният томонидан тўпланган тажрибани ижодий ўзлаштириш ва ўзгартиришнинг ўлчовидир. Педагогик маданиятга эга, педагогик тафаккур ва онг яхши ривожланган, ижодий салоҳиятга эга бўлган ўқитувчи:

1. Маданият педагогик фикрлаш - ҳам педагогик, ҳам ижтимоий воқеликни чуқур назарий тушунишга асосланган. Бу педагогик жараёни ривожлантириш тамойиллари, касбий фаолият натижаларини олдиндан билишдир. Педагогик фикрлашнинг хусусиятлари: мослашувчанлик, муқобиллик, ижодкорлик.

2. Маданият педагогик иш – касбий маҳорат ва кўникмаларни юқори даражада эгаллашни, ижодий бўлиш қобилиятини назарда тутати. Педагогик фаолият – бу ижодий

жараён, чунки ҳар бир ўқитувчи ўзига хос хусусиятга эга, шунинг учун педагогик иш маданияти соф индивидуалдир.

3. Маданият ўқитувчининг ижоди – назарий билимлар ва амалий кўникмаларнинг бутун тўпламидан фойдаланишни, ташқи таниш вазиятда янги муаммони ва уни ҳал қилиш йўллари излашни, янги педагогик муаммоларни ҳал қилишнинг янги усуллари излашни ўз ичига олади.

4. Маданият педагогик алоқа – ўқитувчининг атрофдагилар билан муносабатлари меъёрларини мазмунли ривожлантириш. Ушбу меъёрларга амал қилган ҳолда, ўқитувчи ҳистуйғуларини, иродасини, характернинг шахсий намоёнликларини ва бошқаларни тузатади.

5. Маданият нутқлар алоқа маданияти билан боғлиқ. Технологик таълим ўқитувчиларининг ифодали нутқ қобилиятлари.

Маданиятнинг кўплаб таърифлари орасида ушбу тизимли ижтимоий ҳодисани одамлар томонидан яратилган қадриятлар жамғармаси сифатида ҳам, дунёни ижодий ўзлаштириш, шахсинг, ижтимоий гуруҳнинг муҳим кучларини англаб етишнинг йўли сифатида талқин қиладиганлар энг муваффақиятли ҳисобланади. Шундай қилиб, маданият маънавиятнинг марказидир, яратилиш энергияси, ҳаётнинг турли соҳаларида эришилган ютуқларнинг энг юқори мезони ҳисобланади.

REFERENCES

1. Malikova, D. Q. (2022). XXI ASR–intellektual yoshlar asri. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(Special Issue 4-2), 253-258.
2. Malikova, D. Q. (2022). Oliy ta'lim muassasalarida uzluksiz ma'naviy tarbiya jarayonining mazmuni. Eurasian Journal of Academic Research, 2(5), 317-321.
3. Маликова, Д. Қ. (2021). Таълим тизимида миллий ғоя фаннининг ацамияти. НамДУ илмий ахборотномаси, 21(3), 223-223.
4. Malikova, D. (2021). The role of education in the formation of ideological immunity in the world of youth in the example of finland. Интернаука, (19-5), 9-10.
5. Malikova, D. K. (2021). The role of book reading in protection of national and spiritual identity in the context of democratic reform. International Conference Science and Education, 1(1), 196-197.
6. Sultonov, F., Malikova, D. Q. (2021). Ёшлар дунёқарашида мафкуравий иммунитетни шакллантиришда тарбиянинг ўрни. Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар, 1(4), 7-9.
7. Маликова, Д. Қ. (2021). Ёшларда мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашчанликни шакллантиришнинг асосий жиҳатлари. XXI аср – интеллектуал ёшлар асри, 1(1), 307-308.
8. Маликова, Д. Қ. (2021). Систематический анализ идеологический процессов. Innovation In The Modern Education System, 4(1), 397-402.
9. Malikova, D. Q. (2021). Globallashuv jarayonida yoshlar mafkuraviy immunitetini shakllantirish masalalari. The XXI Century Skills for Professional Activity International Scientific-Practical Conference, 1(1), 229-230.

10. Маликова, Д. К. (2021). Биринчи ренессансинг маънавий тарбиявий таълимотига бир назар. Масофавий таълимни ташкил этишнинг педагогик-психологик жиҳатлари, 1(1), 617-621.
11. Malikova, D. Q. (2021). Sharq milliy mafkurasi rivojida g'arbiy yevropa mafkurasining o'рни. O'zbekistonning umidli yoshlari, 1(1), 94-95.
12. Malikova, D. K. (2021). Ideology in the modern world a choice between the gap and the future. Eurasian Journal of Academic Research, 1(1), 752-759.
13. Malikova, D. Q. (2021). Ommaviy madaniyatga qarshi kurashda mafkuraning o'рни. Polish Science Journal, 3(36-4). 55-57.
14. Malikova, D. Q. (2021). Milliy mafkuramizni kuchaytirishda insonparvarlikning o'рни. Образование и наука в XXI веке, 2(11), 46-49.
15. Маликова, Д. К. (2021). Гуманитарная интервенция: между суверенитетом государства и правами человека. Студенческий вестник, (18-5), 37-40.
16. Маликова, Д. К. (2021). Духовно- идеологический процесс в современных условиях. Образование и наука В XXI веке, 2(11), 89-95.
17. Malikova, D. Q. (2020). Milliy mafkurani yoshlar ongiga singdirish usullari. Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар, 1(2), 7-8.
18. Jumayev, S. S., Malikova, D. Q. (2020). Ta'lim-tarbiyaga e'tibor-yangi O'zbekiston taraqqiyotining asosiy omili. Milliy tiklanishdan - milliy yuksalish sari, 1(1), 168-170.